

УДК 624.04

**Калонов Ботир Қобил ўғли**

талаба

Жиззах политехника институти

**Саримсоқов Сардор Шойзақович**

Ассистент,

Жиззах политехника институти

**Досалиев Канат Серикўли,**

PhD, доцент,

Жанубий Қозоғистон университети. М. Ауёзов,

## **САНОАТ БИНОЛАРИНИНГ ҚУРИЛИШИ ВА УЗОҚҚА ЧИДАМЛИЛИК ДАРАЖАСИ.**

**Аннотация:** Саноат корхоналари турли тармоқларга мансуб бўлиб, уларнинг бинолари ишлаб чиқариш жараёнлари ва қўшимча хизматлар учун турли хил мақсадларга мўлжалланган. Ушбу мақолада саноат бинолари турлари, уларнинг функционал вазифалари, муҳандислик ва конструктив ечимлари, ҳамда уларнинг ҳажмий-планлаштириш хусусиятлари таҳлил қилинган. Бинолар ишлаб чиқариш жараёнининг хавфсизлик даражасига қараб турли категорияларга бўлинади ва уларнинг синфига қараб оловбардошлик ва узоққа чидамлилик талаблари белгиланади.

**Калит сўзлари:** Шаҳар, яшаш массивлари, шовқиндан ҳимоя, коммуникациялари, саноат райони, ҳисобий нуқта, меъёрий акустик.

**Kalonav Botir Qobil ogli**

Student

Jizzakh Polytechnic Institute

**Sarimsoqov Sardor Shoizaqovich**

Assistant,

Jizzakh Polytechnic Institute

**Dosaliyev Kanat Serikuli,**

PhD, Associate Professor,

South Kazakhstan University named after M. Auezov,

**CONSTRUCTION OF INDUSTRIAL BUILDINGS AND LEVEL OF  
LONG-TERM DURABILITY.**

**Abstract:** Industrial enterprises belong to different sectors, and their buildings are designed for different purposes for production processes and additional services. This article analyzes the types of industrial buildings, their functional tasks, engineering and constructive solutions, as well as their volume-planning features. Buildings are divided into different categories depending on the safety level of the production process, and fire resistance and durability requirements are determined depending on their class.

**Key words:** City, residential areas, noise protection, communications, industrial district, reference point, normative acoustics.

Саноат корхоналари жуда кўп турли тармоқларга тегишли бўлиши мумкин. Масалан, металлургия, машинасозлик, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати ва ҳақозо. Майда тармоқларга бўлиб қараганда 180 дан ортиқ турдаги саноат биноларини санаб ўтиш мумкин. Лекин тармоқ туридан қатъий назар, саноат биноларини қуйидаги асосий турларга бўлиш мумкин:

1) Ишлаб-чиқариш бинолари; уларда корхонанинг асосий технологик жараёнлари жойлаштирилади;

2) Ёрдамчи ишлаб-чиқариш бинолари; уларда ёрдамчи ишлаб-чиқариш жараёнлари (ремонт, асбобсозлик ва шунга ўхшаш) жойлаштирилади;

3) Энергетика бинолари; уларда корхонани электр энергияси, буғ, газ, сиқилган ҳаво билан таъминловчи қурилмалар жойлаштирилади;

4) Омборлар; уларга хом ашё, яримтайёр маҳсулотлар, ёқилғи материаллар, тайёр маҳсулотларни сақлаш учун қурилган бинолар киради;

5) Транспортга тегишли бинолар; уларга корхонага тегишли транспорт воситаларни жойлаштириш ва уларга техник хизмат қилиш учун зарур бўлган бинолар киради;

6) Ёрдамчи бинолар; уларда ишчиларга санитария-гигиена, маданий-маиший ва тиббий хизмат кўрсатишни, умумий овқатланишни ташкил қилинади.

Саноат корхоналарининг халқ хўжалигидаги аҳамияти, корхонанинг қуввати ва ўлчамлари, технологик қурилмаларнинг ноёблик даражаси ва бошқа омилларга боғлиқ ҳолда, саноат бинолари муҳимлик бўйича 4 синфга бўлинадилар. I синф биноларга энг юқори талаблар, IV синф биноларга эса, минимал талаблар қўйилади.

I синф саноат биноларнинг узоққа чидамлилик даражаси I даражадан, II синф биноларнинг узоққа чидамлилик даражаси II даражадан, III синф биноларнинг узоққа чидамлилик даражаси III даражадан кам бўлмаслиги керак. IV синф саноат биноларининг узоққа чидамлилик даражаси белгиланмаган.

Саноат биноларининг синфга қараб, уларнинг оловбардошлик даражаси ҳам белгиланади. Масалан, I синф биноларнинг оловбардошлик даражаси II дан, II синф биноларники III даражадан паст бўлмаслиги керак.

III ва IV синф саноат бинолари учун оловбардошлик даражаси белгиланмаган.

Саноат бинолари қуйидаги белгилар бўйича ҳам турларга бўлинадилар пролётлар сонига қараб, бир пролётли ва кўп пролётли биноларга;

2) қаватлар сонига қараб, бир қаватли ва кўп қаватли биноларга;

3) кўтарма кранлор бор-йўқлигига қараб, кранли ва крансиз биноларга;

4) иситиш системасига қараб, иситиладиган ва иситилмайдиган биноларга;

5) шамоллатиш системасига қараб, табиий аэрацияли ва сунъий аэрацияли биноларга;

6) ёритиш системасига қараб, табиий, сунъий ва қушма усулда ёритилган биноларга;

7) каркас ва деворларнинг материалига қараб, темирбетон каркасли, пўлат каркасли ва юк кўтарувчи деворли биноларга;

8) томининг конструкциясига қараб, каркасли текис томли, каркасли фазовий томли ва осма конструкция томли биноларга;

9) фонарь қурилмасининг бор-йўқлигига қараб, фонарли ва фонарсиз биноларга бўлинадилар.

Саноат биноларининг ҳажмий-план ва конструктив ечимлари кўп жихатдан ишлаб-чиқариш жараёнининг портлаш ва ёнғин ҳавфсизлиги даражасига боғлиқ.

Шу жихатдан саноат биноларидаги хоналарни 5 категорияга бўлиш мумкин:

А - портлаш ва ёнғин ҳавфи бор хоналар; хонада ёнувчи газлар, кислород ёки сув билан ўзаро таъсир қилганда ёниб кетувчи ёки портловчи моддалар бўлади;

Б - портлаш ва ёнғин ҳавфи бор хоналар; хонада ёнувчи чанг ёки толалар, тез ёнадиган суюқликлар бўлиши мумкин;

В - ёнғин ҳавфи бор хоналар;

Г - ёнмайдиган материаллар чўғланган, суюқланган ҳолда бўлади; ишлаб чиқариш жараёнида турли газ, суюқ ва каттик ёқилғилардан фойдаланилади;

Д - ёнмайдиган материаллар совуқ ҳолда бўлади ва шу ҳолатда уларга қайта ишлов берилади. Мос равишда бундай хоналар жойлашган саноат биноларини ҳам А, Б, В, Г ва Дкатегорияларга бўлиш мумкин.

### **АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР**

1. Шукуров Ғ.Ш., Бобоев С.М., Қўчқоров Р.А. Архитектура физикаси. II-қисм. “Архитектура акустикаси”. Тошкент, 2004 йил.
2. Шукуров Ғ.Ш., Бобоев С.М. Архитектура физикаси. I-қисм. Қурилиш иссиқлик физикаси. Тошкент “Меҳнат” – 2005 йил.
3. Асатов, Н. А., & Саримсоқов, С. Ш. (2022). ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ ДИНАМИЧЕСКИХ ПАРАМЕТРОВ ВИСЯЧИХ СИСТЕМ. Евразийский журнал академических исследований, 2(3), 232-237.
4. Sarimsoqov, S. S. (2022). Armaturalangan ikki qiyali yog ‘och to ‘sinni loyihalash. Science and Education, 3(2), 175-183.
5. Саримсоқов, С. Ш., & Норматова, Н. А. (2023). САНОАТ КОРХОНАДАРИНИ ШАХАР ТАРКИБИДА ЖОЙЛАШТИРИШ ТАЛАБЛАРИ.